



gub

НОКИМИ
ҚАРОРИ

Самаркандского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

3 у.г. «28» январ

№ 85-К

Сamarqand t.-p. Самарканд

“Каттакўргонарик” қишлоқ фуқаролар йиғини
“Қуйи Арабхона” маҳалласида фуқаро Шодиев
Бахтиёрга тикувчилик цехи, дорихона,
сартарошхона ва пойафзал таъмирлаш
устахонаси қуриш учун ер майдони танлаш
тўғрисида”

“Каттакўргонарик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Арабхона” маҳалласида яшовчи
фуқаро Шодиев Бахтиёр туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, “Қуйи
Арабхона” маҳалласи ҳудудидан тикувчилик цехи, дорихона, сартарошхона ва пойафзал
таъмирлаш устахонаси қуришга ер майдони ажратишни сўраган.

Юқоридагиларни, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси,
“Қишлоққурилишлойиха” лойиха институтининг 2012 йил 31 июлдаги 304 сонли баёнини
инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги
357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари
тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш
ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш чора
тадбирлари тўғрисида”ги 146 сонли қарорларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Каттакўргонарик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Арабхона” маҳалласида яшовчи
фуқаро Шодиев Бахтиёрга “Қуйи Арабхона” маҳалласи ҳудудидан тикувчилик цехи,
дорихона, сартарошхона ва пойафзал таъмирлаш устахонаси қуриш учун 0.02 га қишлоқ
хўжалигида фойдаланмайдиган тулган захира ерлари ҳисобидан ер майдони танлаш ҳақидаги
туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Шодиев Бахтиёрга тикувчилик цехи, дорихона, сартарошхона ва пойафзал
таъмирлаш устахонасини қуриш учун танланган ер майдонида Ўзбекистон Республикаси
«Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари
топшириғи (АРТ), лойиха хужжатларини тайёрлаш вазифаси юклатилсин.
3. Юқорида кўрсатилган барча бирламчи хужжатлар фуқаро Шодиев Бахтиёр
томонидан тайёрланмаса қарор ўз кучини юқотади.
4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи
ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев